

## АМИР ТЕМУРНИНГ ХИТОЙ ЮРИШИ ВАҚТИДА ЖАНУБИЙ ВА ШИМОЛИЙ САРҲАДЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ МАСАЛАЛАРИ.

КЕНЖАЕВ САРДОР НУРМУРОД ЎҒЛИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ИДТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ

+998931445555 [sardorkenjayevev46@gmail.com](mailto:sardorkenjayevev46@gmail.com).

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7316355>

**Аннотация:** Ушбу мақолада Амир Темурнинг Хитой юриши вақтида жанубий ва шимолий сарҳадлар хавфсизлигини масалалари. Шунингдек, Амир Темурнинг Хитой муносабатларида савдо, ижтимоий ва ҳарбий соҳалар хусусида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** чингизий хонзодалар, Тайзи ўғлон ва Тош Темур, Хитой, озуқа, от, чой, сулола, дипломатия, елчи, ҳарбий юриш, шаҳзода, ички кураш, Улуғ юрт, вассал, пойтахт, Хоқон, Таймур, никоҳ.

Амир Темур 1404 йил июль ойида Самарқанд шаҳрига келиб тушди. Тез фурсат ичида пойтахтдаги девон ишлари тафтиш қилиниб, айбдорлар жазоланади. Сентябрь ойида Конирил мавзеида ғалаба ҳамда баъзи амирзодаларнинг никоҳ маросимлари муносабати билан катта тўй уюштирилган. Тўй муносабати билан ташкил қилинган тантаналарда амирлар ва беклар иштирокида бўлажак Хитой юриши масаласи муҳокама қилинган. Амир Темур ҳузуридаги чингизий хонзодалар – Тайзи ўғлон ва Тош Темур ўғлонлар бу юришда валиаҳд шаҳзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир (унинг акаси Муҳаммад Султон 1403 йил мартида вафот этган эди) ҳамда Шоҳрух Мирзонинг иштирок этиши лозимлигини таъкидлаб, уларни чақириб олиш таклифини берадилар. Бироқ, Амир Темур Ироқ ва Озарбайжон ҳудудлари осойишталигини сақлаш учун Шоҳрухнинг келишига рози бўлмаган. Пирмуҳаммад Ғазнадан, Халил Султон эса Луристондан (унинг қачон ва нима мақсадда Самарқанддан бу вилоятга кетганлиги маълум эмас) чақириб олинган. Шарқий сарҳадлардан амир Бердибек, Худойдод Ҳусайний, Давлат Темур ва бошқалар ҳам қайтиб келдилар.

Испан элчиси Клавихо Пирмуҳаммадни 13 октябр куни кўрганлигини баён этган. Лекин, тез орада амирзода Самарқанддан жўнаб кетади. Клавихо кундалигида 1 ноябрь куни *“подшоҳ Ҳиндистон подшоси ҳисобланган набираси Пирмуҳаммадни ўз мулкига жўнатиб юбориш билан банд бўлганлиги сабабли элчилар билан бугун суҳбатлаша олмаслиги”* ҳақида қайд этилади. Манбада Пирмуҳаммаднинг нима сабабдан Хитой юришида иштирок этмай, қайтиб жўнаб кетганлигига аниқ изоҳ берилмаган.

Фикримизча, Хитой юриши вақтида бундан жанубий сарҳадлар хавфсизлигини таъминлаш мақсад қилинган эди.

1404 йил кузида барча режаларга аниқлик киритилди. Қўшиннинг ўнг қанотига Халил Султон ҳамда марҳум Умар Шайхнинг ўғли Аҳмад Мирзо, чап қанотга эса Амир Темурнинг Оға бегим исмли қизининг ўғли – Султон Ҳусайн бошчилик қилиши белгилаб берилди. Марказий қўшинга Амир Темурнинг ўзи раҳбарлик қилган. Кўпчилик тарихий адабиётларда Хитой урушига жалб қилинган армия сони 200 минг атрофида бўлганлиги ҳақида баён этилади. Лекин, Мирхонд ўзининг “Равзат ус-сафо” асарида темурий Султон Аҳмад (1469-1494 йй) саройидаги ўша давр девонхона ҳужжатларига асосланиб, Хитой ҳарбий юриши олдидан 272 612 кишига маош берилганлиги ҳақида ёзади. Жангчилар от, қурол-яроғ билан тўла таъминланди. Қўшинни ортга қайтишда озиқ-овқат билан таъминлаш учун мингдан ортиқ урғочи туялар ҳамда минглаб араваларда дон олиб борилган. Агар озуқа захиралари тугаб қолса, туяларнинг сутидан фойдаланишга тўғри келарди. Аравалардаги дон эса қўшин ортидаги майдонларга экиш учун мўлжалланган эди.

Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, Амир Темур Хитой юришини бошлаган вақтда Ашпарада турган амир Аллоҳдодга одам юбориб, унга озиқ-овқат захираларини ҳозирлашни буюради. Муаллиф бу ўринда 100 минг (бу ерда рақамларнинг бироз бўрттирилганлиги эҳтимоли ҳам бўлиши мумкин) туяга юк бўладиган ун ҳозирлаш вазифасини тилга олади. Ушбу маълумотлардан англаб олиш мумкинки, Хитой юришига бир неча йил илгари ҳозирлик кўрила бошланганлиги сабабли 1404 йил кузига келиб барча вазифалар адо этилган ва ҳарбий ҳаракатлар учун ҳамма шароитлар тахт эди.

1404 йил 27 ноябрь куни Мин империясига қарши ҳарбий юриш бошланди. Бундан сал илгарироқ, 21 ноябрда Самарқанддан элчилар жўнатиб юборилган. Испан элчилари билан хайрлашув учрашуви ҳам уюштирилмайди. Уларга Амир Темурдан қирол Энрикэ III (1390-1407 йй) номига мактуб ҳам берилмади. Элчиларнинг тасодифан мамлакатни тарк этишлари ҳақидаги қарор қабул қилинганлиги Хитой ҳарбий юришининг шошилини тарзда бошланиб кетганлигини билдиради. Бўлажак уруш, фикримизча, ўта махфий тарзда амалга оширилиши режалаштирилган. Чунки, Клавихо кундалигида Хитойга қилинажак ҳарбий юриш ҳақида бир оғиз ҳам гапирилмаган. Испан элчиси Амир Темурнинг вафоти ҳақидаги хабарни ғарбий чегараларга борган вақтида эшитади. Ушбу хабарда подшоҳнинг Самарқанд шаҳрида оламдан ўтганлиги, Халил Султоннинг

хам ўша вақтда пойтахтда бўлганлиги ўз ифодасини топган. Бу эса мамлакатда Хитой уруши ҳақидаги маълумотлар ҳали-бери тарқалиб улгурмаганлигидан далолатдир.

Амир Темур бошчилигидаги марказий қўшин Самарқанддан йўлга чиққач, илдам ҳаракатланиб Оқсулот мавзеига етиб борган. Лашкарлар у ерда бир неча кун тўхтаб, 25 декабрда Ўтрорга томон йўл олади. Тарихий манбалар ва адабиётларнинг гувоҳлик беришича, ўша йили қиш жуда совуқ бўлиб, аскарларнинг баъзилари қаҳратон зарбидан ҳалок бўлган. Сирдарёнинг усти эса 2 метр қалинликдаги муз билан қопланган эди. Ҳофиз Абрунинг маълумот беришича, қўшинлар, карвонлар, аравалар, ва ҳатто филлар ҳам дарёдаги муз устидан бемалол ўтиб кетган. Амир Темур 1405 йил 15 январь куни Ўтрор шаҳрига кириб боради. Ўнг қанот қўшинлари Тошкент, Шоҳрухия, Сайрам шаҳарларида, чап қанот эса Ясси ва Собронда тўхтаган<sup>1</sup>. Ҳулоса қилиб айтганда Амир Темурнинг Хитойга ҳарбий юриши учун узоқ тайёргарлик кўрилган еди. Амир Темурнинг Хитой юриши вақтида жанубий ва шимолий сарҳадлар хавфсизлигини масалалари муҳим аҳамият касб этади. Қаҳратон совуқда сафарни давом эттириш қўшинга катта талафот етказиши мумкин эди.

---

<sup>1</sup> Йаздий Шарафуддин Али. Зафарнома // Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков; Масъул муҳаррир Б.Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И.Шогуломов ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.295.

### Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ.Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.121.
2. Ҳавофий Фасиҳ Аҳмад. “Мужмали Фасиҳий”дан // Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида: (Рисола) / Б.Аҳмедов, У.Уватов, Ғ.Каримов ва бошқ. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б.218.
3. Ўзидий Шарафуддин Али. Зафарнома // Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков; Масъул муҳаррир Б.Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И.Шоғуломов ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.290-291.
4. Гонсалес Руи Де Клавихо. Самарқанд – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) [Text] Гонсалес, Руи Де Клавихо.; масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров; тарж. О.Тоғаев. – Т.: “O‘zbekiston”, 2010. – Б.175-177.
5. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: “Ёзувчи” нашриёти – “Хазина”, 1995. – Б.45.
6. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати / Масъул муҳаррир А.Қаюмов / . – Т.: Ёзувчи, 1996. – Б.85.
7. Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур (Тарж. А.Маҳкамов). – Т.: Фан, 1994. – Б.199-200.
8. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз бошини У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К.1. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б.322.
9. Темур ва Улуғбек даври тарихи / Бош муҳаррир Аҳмадали Асқаров, масъул муҳаррир Оқилхон Одилхон. – Т., 1996. – Б.87.
10. Гонсалес Руи Де Клавихо. Самарқанд – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) [Text] Гонсалес, Руи Де Клавихо.; масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров; тарж. О.Тоғаев. – Т.: “O‘zbekiston”, 2010. – Б.197.
11. Kenjaev, S. N. o‘g‘li. (2022). Amir Temurning Xitoy bilan munosabatlari va Tayzi o‘g‘lon faoliyati. *Science and Education*, 3(5), 1493-1497. Retrieved from <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/3603>
12. Sardor Nurmurodovich Kenjayev, Komron Mahmud o‘g‘li Zayniev. [Amir Temur davlati va Xitoy Min sulolasi aloqalarida otlar savdosi xususida](#). Vol. 3 No. (2022): *Science and Education*.634-639.

13. Жасур Латипов, Сардор Кенжаев / Елюй Чуцай: Мўғуллар империясининг буюк мутафаккири [Матн] : рисола / Ж.Латипов, С.Кенжаев.- Бухоро: “БУХОРО ДЕТЕРМИНАНТИ”МЧЖнинг Камолот нашриёти, 2022-48 б.

14. Кенжаев С.Амир Темур ва Хитой давлати ўртасидаги ҳарбий муносабатлар ўзаро тўқнашув хавфининг вужудга келиши // ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ, 2022. № 1/9. – Б.18.

Сардор Кенжаев. АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ВА ХИТОЙ (МИН) ИМПЕРИЯСИ ЎРТАСИДАГИ САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН // ЎТМИШГА НАЗАР, 4 ЖИЛД, 10 СОН. – Б.67.